Ушбу сонда:
2 ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗ
3 СОХТА МИЖОЗ
КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ
4 ТАРИХ ЖУМБОҒИ

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 39 (445)
2005 йил 18 октябр сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

*Жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилар Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни тақдим этишлари ҳамда фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ барча ўзгаришлар (меҳнат шартномаси тузилганлиги ёки бекор қилинганлиги, паспортдаги маълумотлар ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини юритиш учун зарур бошқа маълумотлар ўзгарганлиги) тўғрисида хабар қилишлари шарт.*

*Иш берувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни ўз вақтида киритишлари ҳамда фуқароларга ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг талабига мувофиқ беришлари шарт.*

**"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 22-МОДДА.**

## ЎЗБЕК ДЕҲҚОНИНИНГ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАСИ

**Ўтган ҳафтада мамлакатимиз пахтакорлари тарихда илк марта октябрь ойининг биринчи ярмида белгиланган юксак маррани эгаллаб, 3 миллион 600 минг тонналик улкан хирмон яратдилар**



Албатта, бундай улкан маррани эгаллаш осон иш эмас. Тарих зарварақларига ёзилажак бу ютуқда мамлакатимиз деҳқонларининг, селекционер олимларимиз, қолаверса, пахтачиликка, қишлоқ хўжалиги соҳасига оид барча-барча мутахассисларнинг меҳнати мужассам. Шунингдек, бу ютуқ замирида Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида барча жабҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар натижаси ҳам бўй кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, бу барча ўзбекистонликларнинг ютуғидир. Мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига" йўллаган табригида шундай таъкидланади:

**"... Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон пахтачилиги тарихида том маънода янги, ёрқин саҳифа бўлмиш бу ажойиб ғалаба, яъни октябрь ойининг биринчи ярмида белгиланган юксак маррани эгаллаб, ҳосилни юз фоиз юқори сифат билан топширишга эришилгани замирида кўп-кўп омил ва мезонлар мужассам.**

**Бу ҳақда гапирганда, аввало, шу муқаддас диёримизда яшаётган одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккури юксалиб, ҳаётимизда рўй бераётган беқиёс ўзгаришларга ўзини бевосита дахлдор деб ҳис қилиш, бу – менинг юртим, бу – менинг Ватаним ва унинг ютуқлари – менинг ютуғим, деган фикр билан яшаш ҳисси, фуқаролик туйғуси кучайиб бораётганини бугун қўлга киритаётган марраларимизнинг пойдевори, деб қабул қилишимиз даркор.**

**Одамларнинг ўз ишига, ҳаётга муносабати ўзгариб, ерга, мулкка эгалик ҳиссиёти кучайиб бораётгани, заҳматкаш деҳқон меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган амалий тадбирлар, қишлоқда асосий куч бўлмиш фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилаётгани, шунинг ҳисобидан етиштирилган ҳосилнинг 70 фоизи айнан фермер хўжаликлари томонидан тайёрлангани бу фикрнинг яққол тасдиғидир..."**

Ерга эгалик ҳисси ҳақида гап кетар экан, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг ривожи ва келажаги фермерлик ҳаракатини янада юксалтиришга боғлиқлиги кундалик ҳаётимизда ўз исботини топаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Агар 2001 йилда фермерлар ихтиёридаги ер майдони қарийб 334 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб фермерлар 1 миллион гектардан зиёдроқ ер майдонини, янада аниқроқ айтсак, пахта экиладиган ялпи ер майдоннинг 71,3 фоизини ўз тасарруфларига олди. Шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган, янги ташкил этилаётган ширкат ва фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини янгилаш ҳамда мустаҳкамлаш борасида ҳам улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқдаки, бу ҳақда ҳам алоҳида тўхталиб ўтсак арзийди. Жорий деҳқончилик йилининг ўзида ширкат ва фермер хўжаликларига 1700 та чопиқ ва транспорт трактори, 800 тага яқин тиркама, 1300 тадан ортиқ культиватор, 850 та чигит экиш агрегати, 2000 тадан ортиқ турли хил пуркагичлар, 62 та "МХ" трактори, 500 тага яқин "ВТ-150" ва "Т-4" русумли занжирли ҳайдов тракторлари етказиб берилгани ҳам соҳада олиб борилаётган салмоқли ишлардан далолат беради. Қолаверса, ушбу техника воситаларининг асосий қисми фермерларга лизинг асосида сотилгани ҳам таҳсинга лойиқ.

Ютуқларимизнинг яна бир асосий омили сифатида селекционер олимларимизнинг меҳнатини ҳам эътироф этиш жоиз. Чунки Ўзбекистонда пахтачилик фақат маҳаллий селекция навларига асосланади. Улар тезпишарлиги, ҳосилдорлиги, тола сифатининг юқорилиги, вильт ва бошқа касалликларга чидамлилиги, мавжуд тупроқ-иқлим шароитларига мослиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда ана шундай серҳосил ва деҳқон учун ҳар томонлама қулай бўлган 20 та селекция нави давлат реестрига киритилгани ҳам фикримизнинг исботидир. Қолаверса, "Бухоро-6" нави Ливерпуль пахта биржасининг олтин медали билан тақдирлангани, толаси эса эталон сифатида қабул қилингани ҳам ўзбекистонлик селекционер олимларнинг меҳнати жаҳон миқёсида эътироф этилаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича жаҳонда бешинчи ўринни, тола экспорти бўйича эса иккинчи ўринни банд этишини газетхонларимиз яхши билишади. Ўтган ҳафтада мамлакатмиз пойтахтида бўлиб ўтган "Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси" ҳам жаҳон бозорида ўзбек пахтасининг нуфузи, ўзбек деҳқонининг довруғи тобора ортиб бораётганини яна бир карра исботлаб берди. Ушбу ярмаркада жаҳоннинг 26 мамлакатидан келган 200 дан зиёд компания вакиллари қатнашдилар. Ушбу қатнашчилар жорий ва келгуси йил ҳосили ҳисобидан қарийб 1,5 миллион тонна пахта толаси сотиб олиш бўйича шартномалар тузишди. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ ўзбек деҳқонининг пешона тери эвазига яратилаётган ҳосил нақадар харидоргирлигини кўрсатади.

Шу ўринда рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бу йил мамлакатимизда пахтадан олинадиган даромад 1 триллион сўмдан, соф фойда эса 200 миллиард сўмдан ортиқ бўлиши кутилмоқда. Рентабеллик даражаси эса 22 фоизни ташкил этмоқда. Ўз навбатида бу рақамлар пахтадан келадиган даромад туфайли давлатимиз хазинаси бойиши, халқимиз, жумладан, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси янада яхшиланишидан ҳам далолат беради.

Танти бободеҳқонларимиз ўз олдиларига қўйган улкан зафар хирмонини бунёд этган кунга қадар 67 та туман, 442 та ширкат хўжалиги, 44956 та фермер хўжалиги ҳамда 26158 та оилавий пудратчилар пахта сотиш бўйича шартнома-мажбуриятларини муддатидан олдин ва ошиғи билан бажаришди. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бугунгача тайёрлов ташкилотларига топширилган пахта хомашёсининг 86 фоизи биринчи, 11 фоизи эса иккинчи навга қабул қилинди. Лекин пахта далаларида жавлон ураётган деҳқон ҳали тин олгани йўқ. Чунки ҳали далаларимизда ҳосил кўп. Демак, хирмон янада юксалади.

Munosabat

**Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий қадриятларимиз ва муқаддас динимизга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Жамиятимизда эътиқод эркинлиги тўлиқ кафолатланди. Кўплаб янги масжидлар қурилди, ишламай турганлари қайта очилиб, одамларнинг эмин-эркин ибодат қилишга имконият яратилди. Ҳар йили минглаб ҳамюртларимиз муборак ҳаж ва умра сафарига бориш шарафига муяссар бўлмоқдалар. Пойтахтимиз Тошкентда имом Ал-Бухорий номидаги ислом институти, бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Тошкент Ислом университети ташкил этилди. Мазкур олийгоҳларда бугун ёшларимиз дунёвий илмлар билан бир қаторда диний илмлардан ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Бундан ташқари, муборак Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг биринчи кунлари байрам қилинадиган муҳим саналар қаторига киритилиб, дам олиш куни, деб белгиланди. Бундай эркинликларнинг барчаси Конституциямизнинг 31-моддаси ва "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун билан ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаб қўйилдики, бу алоҳида шукронага лойиқ.**

## ФОЖИА ТАКРОРЛАНМАСИН!

Афсуски, мана шундай улуғ неъматларнинг қадрига етмай, ношукрлик қилаётган айрим кимсалар соф эътиқодли мусулмонларнинг юзини ерга қаратмоқда. Шу ўринда хақли савол туғилади: бу нобакорлар динимиз топталган, зиёратгоҳлар ахлатхонага айлантирилган ва илмли кишилар қатағонга учраган шўро замонида қаерда эди! Бугун динимиз эъзоз топаётган бир пайтда уларнинг бундай разолатга қўл уришини қандай баҳолаш керак!

Бу каби кўпдан-кўп саволларга жавобан шуни айтиш лозимки, муқаддас Ислом динини ниқоб қилиб, одамларни чалғитишга уринаётган кимсаларнинг асл мақсади зўрлик билан ҳокимиятни эгаллаш, мол-дунё орттиришдир.

Чунки Қуръони каримда "Фитна одам ўлдиришдан ёмонроқдир"("Бақара" сураси, 191-оят) деб марҳамат қилинган. Ўзларини "Ислом халоскори" деб даъво қилаётганлар тинч-тотув яшаб, фидокорона меҳнат қилаётган, ҳамюртларимиз орасида фитна қўзғаб, ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланиб улгурмаган ёшларимизни ота-оналарига, ватанига қарши қўяётганини қандай тушуниш мумкин? Уларнинг "халифаликни тиклаймиз, ислом давлати қурамиз" деган ялтироқ шиор билан тинч аҳолини, ёш болалар ва аёлларни, ўз хизмат вазифасини адо қилаётган ҳарбийларни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини ўлдираётгани ислом динининг қайси талабига мос келади?!

Пайғамбаримиз (С.А.В.) "Халифалик мендан кейин 30 йил давом этади, ундан сўнг подшоҳликлар бўлади" деб марҳамат қилганлар. Шундай экан, пайғамбаримиз томонидан муддати чекланган халифаликни 1400 йиллик тарихий ривожланишдан кейин тиклаш хаёлида юрганларга кимлар эргашмоқда? Улар қайси манбаага қараб ҳукм чиқаришмоқда? Ажабланарли томони шундаки, улар шариатимиз буюрган амалларни ҳам "бидъат" деб даъво қиладилар-у, лекин ўзлари ҳалол деб билган ишлар нафақат бидъат, балки гуноҳи азим, эканини унутиб қўяди. "Кимки бир мўъминни қасддан ўлдирса, унинг жазоси абадий жаҳаннамдир" ("Нисо" сураси 93-оят) дейилади муқаддас Қуръони каримда. Пайғамбаримиз (С.А.В.) бир жангда тил учида бўлса ҳам иймон келтирган душманни ўлдириб қўйган саҳобага "Сен унинг қалбини ёриб кўрдингми?" дея ноҳақ бир одамни ўлдирганликда айблаб, қаттиқ танбеҳ берганлар. Бундан ташқари, ул зотнинг "эмизган онамни исломга даъват қилсам, кирмаяпти, унга қандай муомала қилайин?!" — деб сўраган аёлга волидасининг ҳурматини жойига қўйиб, яхши муомала қилишга буюрганлари ҳадис китобларида баён этилган. Тинч аҳолини, норасида гўдакларни, аёларни ўлдириш, бегуноҳ одамларни гаровга олиб, азоб бериш, ўз ота-онасига қўл кўтариш каби жиноятлар Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда кечирилиши қийин бўлган улкан гуноҳлар қаторида санаб ўтилган.

Албатта, жиноятга жазо муқаррар. Бинобарин, "соф ислом"ни даъво қилувчилар ҳам бугун юзлари шувут бўлиб, эл-юрт олдида жавоб бермоқда. Зеро, "Анъом" сурасининг 160-оятида "Кимки бир ёмонликни қилса, албатта, жазосини олади" дейилган. Лекин уларнинг разолатлари туфайли ўз яқинларидан ажралган, улардан зулм кўрганларнинг қалб жароҳатини даволаб бўладими?!.

Мамлакатимиз Олий судида шу йилнинг 12-13 май кунлари Андижонда рўй берган террорчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган 15 нафар жиноятчи устидан олиб борилаётган суд жараёнларини барча диққат билан кузатиб бораяпди. Суд жараёнида террорчилар ўз айбларига иқрор бўлишмоқда. Суддаги қуйидаги мулоқотга эътибор қаратинг-а: жабрланувчилардан бири айбланувчи Абдувоис Ибрагимовга "Ҳадиси шарифларда мусулмон мусулмонни ўлдирмайди дейилган, шуни биласизми, агар билсангиз, нега бу ишга қўл урдингиз?" — дея савол берди. Айбланувчи эса "Билардим, аммо ўша вақтда мен фақат ўзимни ва биродарларимни мусулмон деб ҳисоблардим" деб жавоб қайтарди ва ўз қилмишидан пушаймонлигини билдирди.

*(Давоми иккинчи бетда)*

## БРИТАН "ЖЕНТЕЛЬМЕНЛАРИ"

### уларнинг сўзлари ва ишлари

Собиқ Британ империясидан инглизларга нима мерос қолган? "Денгизлар ҳукмдори"нинг дунёга тўла ҳукмронлик қилган вақтларини қумсаш ва ҳаммага ақл ўргатиш одати. Қайси бир халқаро анжуманга борсанг — ҳаммасида англиялик леди ва жентельментларнинг овози эшитилади. Улар дунёда ҳамма нарсани ҳаммадан кўра яхши билишади: демократия асосларидан тортиб киши ўзини дастурхон атрофида қандай тутишгача. Бу миллий феълатворнинг бир белгисига айланган.

Хўш, вазмин ва оқилликлари билан шуҳрат қозонган инглиз жентельменлари ҳақиқий ҳаётда ўзларини қандай тутишади? Зеро, бугун уларга унча осон бўлмаётир. Американинг барча авантюраларида уларга дум ролини бажариш топширилган. Гоҳида "жи ай" (америка аскари)га "алоҳида муносабатлар" боис оёқ-қўли билан боғланган "томми" (инглиз аскари)га ачиниб кетасан. Америкаликларга осон. Ярим соат ҳимоясиз объектни ракетадан уриб ёки бомбалаб ташлаб, кейин жанг майдонидан минг миль нарида юмшоқ курсида ўтириб, кока-кола ичади. Ўқ ёмғири остидан ҳужумга эса британ "саҳро каламушлари" боради.

Бироқ баъзида британияликлар томирида Киплиннинг қони гупириб кетади ва шунда улар ҳатто Киплиннинг хаёлига ҳам келмайдиган тўс-тўполон содир этишади. Мисол учун жорий йилнинг сентябр ойи охирида ўнлаб британ ҳарбий зирҳланган машинаси пиёдалар ва ҳарбий вертолётлар кўмагида Басра шаҳридаги ироқликлар қамоқхонасини ер юзидан супуриб ташлади. Маҳбус ва жиноятчилар тум-тарақай қочишди, ўнлаб дўст ироқ полицияси, қаршилик кўрсатмоқчи бўлган тинч аҳоли вакиллари ўлдирилди, ярадор қилинди. Хўш, шунга нима бўпти? Дўст давлатнинг қамоқхонаси штурм қилинган, қўриқчи ходимлар, тинч аҳоли вакиллари ўлдирилган, ярадор қилинган бўлса, қилингандир, шунга ҳам ота гўри қозихонами...

Бироқ "Басра шаҳридаги қамоқхонага британияликларнинг икки нафар ҳарбий хизматчини озод қилиш мақсадида уюштирган ҳужуми учун узр сўраши британ армияси шаънига тўғри келмайди", деган фикрни Ироқ жанубидаги британ қўшинлари қўмондони, генерал Жон Лоример "Санди телеграф" газетасидаги интервьюсида баён этди. Ироқ терговов изоляторида британ ҳарбий хизматчилари ҳаёти хавф остида, деб ҳисоблагани учун ҳам ўша буйруқни беришга ўзининг ҳақли эканини ҳам у қўшиб қўйди. Британ ҳарбий хизматчилари, аниқроғи, арабча кийиниб олган британ армиясининг сараланган қисми — Махсус ҳарбий ҳаво полки (SAS)нинг икки нафар диверсанти, ўшанда қамоқхонада йўқ эди, улар қўшни бинода, афтидан, ҳатто қўриқчисиз бўлишган.

Бироқ бунинг нима аҳамияти бор? Афсус, арзимас хатога йўл қўйилди...

Мисол учун Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стронинг ўзбек ҳукуматининг Андижондаги ҳаракатини қоралаганда гупуриб кетганини эслайлик.

"Мен Андижон намойишчиларига ўзбек қўшинлари ўт очгани ҳақидаги хабардан фавқулодда ташвишдаман, — деганди вазир шу йил 13 май куни (ҳали дунё Андижондаги воқеалар тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлмаган бир пайтда), — мен бундай ҳаракатларни тўла қоралайман ва ўзбек ҳукуматини вазиятни юмшатишда вазмин бўлишга ва бунинг учун тинч йўлларни излашга чақираман".

Андижонда ислом экстремистлари бир неча юзлаб автоматларни тортиб олишган, қамоқхонадан 600 нафар жиноятчини қўйиб юборишган, театрни ёқишган, давлат идораси ва ҳарбий қисмга ҳужум уюштиришган, гаровга олинганларни беҳад оғир қийноқларга дучор этишган, бироқ жаноб вазир Президент Ислом Каримовга "вазмин бўлиш"ни таклиф этаётир!

*(Давоми иккинчи бетда)*

Obuna-2006

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ!

*Инсон ҳаёти учун сув билан ҳаво қанчалик шарт бўлса, янги, тўғри ва холис ахборот ҳам шунчалик зарурдир. Чунки кишилик тараққиёти шу даражага етиб келдики, кўплаб масалаларнинг ечими ахборот хабардорлигига боғлиқ бўлиб қолди. Бошқача айтганда, эндиликда турли ижтимоий-сиёсий курашлар янги макон — ахборот ҳудудларига кўчди. Зотан, тезкор ва шиддатли давр билан ҳамнафас бўлишнинг ягона йўли огоҳликдир. Дунёда рўй бераётган ҳар бир воқеа-ҳодисадан ўз вақтида хабардор бўлиш, ҳар жиҳатдан таҳлил этиш, хулосалар чиқариш ва амалий чора-тадбирлар кўриш бугунги тараққиётнинг асосий шарти ҳисобланади.*

*Бу шартни адо этишда эса оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта. Шу маънода дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган янгиликлар, жамиятимиз ҳаёти, хусусан, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқ тизими аҳволидан яхши хабардор бўлишни истасангиз, "Инсон ва қонун" газетасига обуна бўлинг. "Инсон ва қонун" — фикрлар ва янгиликлар минбари! У сизнинг ахборот олишдек ҳаётий зарруратингизни тўлиқ қаноатлантиради. Замон билан ҳамнафас бўлай десангиз, биз билан ҳамкорлик қилинг!*

**Индекслар: Якка тартибда —137
Ташкилотлар учун — 138**

Islohot samarasi

***Иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун янада қулай шарт-шароит яратиш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан биридир. Шу йилнинг 21 сентябр куни тадбиркорлик субъектлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштиришга қаратилган.***

## ТАДБИРКОРЛИК РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Мазкур қарор билан 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензиялар камида 5 йил муддатга беришиши белгилаб қўйилди.

Қарорга 1-иловада кўрсатилган бир қатор фаолият турлари учун лицензиялар чекланмаган муддатга берилиши белгилаб қўйилди. Шу йил 1 октябрдан бошлаб аудиторлик, ветеринария, тиббий, фармацевтика, йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш, қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш, қимматли қоғозлар бозорида касбий, (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти), баҳолаш, суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта, биржа, туризм, ломбардлар ва улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар чекланмаган муддатга берилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, қарорга мувофиқ мазкур фаолият турларини амалга ошириш учун илгари берилган лицензиялар ҳам чекланмаган муддатга берилган ҳисобланади. Яъни тегишли фаолият турини амалга ошириш учун лицензия олган тадбиркорлик субъекти, у олган лицензия чекланган муддатга берилган бўлса ҳам, лицензияни қайта расмийлаштирмаган ҳолда ундан муддатсиз фойдаланиш мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари учун яна бир муҳим янгилик — бу айрим фаолият турларига лицензия бериш вазифалари Вазирлар Маҳкамасининг комиссияларидан тегишли давлат бошқаруви идораларига олиб берилганлигидир.

Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган фаолият турлари учун лицензия олиш жараёнларини соддалашишига лицензияларни кўриб чиқиш ва бериш муддатларининг қисқаришига олиб келади. Ушбу Президент қарорининг яна бир муҳим жиҳати — бу қарорга 3-иловада кўрсатилган бир-бирини такрорлайдиган ва ортиқча рухсатномаларнинг бекор қилинганлигидир. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб қуйидаги рухсатнома ва келишишлар бекор қилинади:

*(Давоми иккинчи бетда)*

***Ҳозирги пайтда барча соҳа вакиллари ўз иқтисодий фаолиятлари давомида кредит маблағларидан кенг фойдаланмоқда. Шу ўринда, хўш, кредит нима ўзи, деган табиий савол туғилиши мумкин. Бунга жавобан шуни айтиш мумкинки, кредит иқтисодий битимнинг бир тури бўлиб, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги қарз олиш ва бериш тўғрисидаги шартнома ҳисобланади.***



# КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ

## унинг афзал жиҳатлари ва унга путур етказаётган омиллар нималардан иборат?

Бошқача айтганда, бир ҳамкор (кредит берувчи) бошқасига (қарз олувчига) пулни (баъзи бир ҳолларда мулкни) муайян муддатга фоизи билан қайтариб бериш шартига мувофиқ бериладиган маблағ кредит, дейилади. Кредитнинг тамойил хусусиятига эга бўлган белгилари муддатлилик, қайтариб бериш ва тўловлиликдан иборат.

Кредит кўп жиҳатдан ҳозирги замон иқтисодиётини ривожлантиришнинг шарти, пул ресурсларига бўлган катта талабни қаноатлантиришнинг асосий манбаси, иқтисодий ўсишнинг ажралмас қисмидир. Чунки кредит туфайли давлат бюджетини ижро этишда вақтинча ишлатилмай турган пул воситалари, аҳоли жамғармалари ва банк ресурсларидан унумли фойдаланилади. Бинобарин, кредит ёрдамида корхоналар, фуқаролар ва давлатнинг вақтинча бўш даромадлари ва пул капиталлари тўпланиб, ссуда капиталига айлантирилади ҳамда ҳақ тўлаш эвазига вақтинчалик фойдаланиш учун берилади.

Энди кредитнинг қандай афзалликлари бор ва унинг ёрдамида қандай вазифалар ҳал қилинади, деган саволга жавоб берадиган бўлсак, энг аввало, кредит ёрдамида капитални бир тармоқдан бошқа тармоқларга оқиб ўтиш жараёни енгиллашади ва ҳаққоний тус олади. Ссуда капитали тармоқлар ўртасида бозор конюъктурасини ҳисобга олиб, юқори фойда олишни таъминлайдиган соҳаларга қайта тақсимланади.

Одатда, корхона мураккаб вазиятга тушиб қолганда қўшимча пул ресурсларига эҳтиёж сезади. Чунки кутилмаган ҳолатда маҳсулотни сотиш режаси барбод бўлиши ёки хомашё етказиб берувчилар панд беради, баъзан ходимларга иш ҳақи беришда қийинчиликлар туғилади ва ҳоказо.

Табиийки, бундай ҳолатларда пул ресурсларига эҳтиёж янада ортади. Айниқса, катта инвестицияни талаб қиладиган техник қайта қурилиши амалга оширилаётган ҳолатларда маблағ сув билан ҳаводек заруратга айланади. Кредитнинг яна бир афзаллиги шундаки, у ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришни рағбатлантиради, илмий техника тараққиёти ютуқлари асосида ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун капитал манбаларини шакллантиришни тезлаштиради. Аммо бугун кредит муносабатларини амалга ошириш жараёнида томонлардан бирининг масъулиятсизлиги ёки у ҳақда етарли тушунчага эга эмаслиги бу борадаги турфа низоларни келтириб чиқараётгани айни ҳақиқат.

Масалан, Фарғона вилояти хўжалик судида мазкур тоифадаги низолар юзасидан биргина шу йилнинг дастлабки 4 ойи мобайнида 5.441.961.900 сўмлик маблағ ундириш тўғрисидаги 136 та хўжалик ишлари кўриб чиқилган. Шундан 116 та хўжалик иши юзасидан даъво талаблари қаноатлантирилиб, даъвогарлар фойдасига 511.5730 минг сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорлари чиқарилган. Битта хўжалик иши юзасидан даъво рад қилинган ва 14 та хўжалик иши юзасидан Хўжалик процессуал кодексининг 86-моддаси талаблари асосида иш юритиш тугатилган.

Кредит шартномалари билан боғлиқ низоларни кўриш жараёнида тўлов ва шартнома интизоми қоидаларига риоя этмаган шахсларига нисбатан 1998 йил 4 мартдаги **"Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятлари бажарилиши юзасидан мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**-ги Президент Фармони талаблари асосида тегишли таъсир чоралари қўлланилган. Жумладан, 6 та хўжалик иши юзасидан жиноят иши қўзғатиш тўғрисида хусусий ажримлар чиқарилган ҳамда иш материаллари тергов ҳаракатлари олиб бориш учун прокуратура идораларига юборилган. Шунингдек, 14 та хўжалик иши юзасидан 14 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик таъсир чораси қўлланилиб, улардан МЖТКнинг тегишли моддалари асосида давлат бюджетига 220.000 сўм жарима ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган. 2 та хўжалик иши юзасидан эса айбдор шахслардан корхоналарга 106.000 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Мисол учун айтадиган бўлсак, "Тадбиркорбанк"нинг Учкўприк тумани бўлими судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Қўқон шаҳридаги "Ракета" хусусий фирмасидан 4.100.000 сўм кредит қарз ва унинг 2.460.000 сўмлик фоизини ундиришни сўраган. Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, тарафлар ўртасида 1999 йил 21 майда кредит шартномаси тузилган. Шартномага асосан банк жавобгарга йиллик 12 фоиз устама тўлаш шарти билан 4.100.000

**Huquqiy ma`rifat**

сўм кредит маблағи берган. Кредит таъминоти сифатида жавобгарга тегишли бўлган 5 та 6.250.000 сўмлик дастгоҳлар гаровга қўйилган. Шартнома муддати 2004 йил 21 майда тугаган. Шартноманинг 3.2-бандига асосан кредит фоизларини ҳар чоракнинг 20 санасида тўлаши лозим бўлса-да, жавобгар кредит фоизларини 2000 йил январ ойидан бошлаб тўламасдан келган. Даъвогар ўз даъвосида жавобгарнинг қарзини ундиришни гаровга қўйилган дастгоҳларга қаратишни сўраган. Бироқ суд мажлисида даъвогар гаровга қўйилган мулклар талабга жавоб бермаслигини маълум қилади. Ваҳоланки, банкнинг ўзи гаровга қўйилган мулкларнинг сақланиши юзасидан мониторинг ўтказиши лозим эди. Суднинг 2005 йил 23 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилиб, ундирув гаровга қўйилган 6.250.000 сўмлик дастгоҳларга қаратилган. Фирма раҳбари Х.Аҳмедовага нисбатан МЖТКнинг 176-моддасига асосан маъмурий жарима қўлланилган.

Яна шуни айтиш керакки, кредит муносабатларига тааллуқли низоларни келиб чиқишида баъзан икки томон ҳам, яъни қарз берувчи (банк) ва қарз олувчи (тадбиркорлик субъектлари) ҳам сабабчи бўлмоқда.

Маълумки, банк муассасалари олинган кредит маблағларининг мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг ўтказади. Лекин гоҳида бу мониторинг расмиятчилик учун ўтказиляпти ва унинг таъсирчанлиги қониқарли эмас. Баъзи ҳолларда кредит таъминоти сифатида тузилаётган кафиллик ва гаров шартномалари ҳам қонун талаблари асосида расмийлаштирилмаяпти. Кафил ва гаровга қўювчининг ўз мажбуриятларини тўғри тушуниб етмаслиги аксарият ҳолларда уларнинг жавобгарликдан озод қилинишига ҳамда пул маблағларини ўз муддатида қайтармаслигига сабаб бўлмоқда.

Ўз навбатида ҳамма мижоз ҳам кредит муносабатларининг фаол иштирокчиси бўлаётгани йўқ. Қарз олувчиларнинг кредит муносабатларига етказаётган энг катта зарари — бу уларнинг олинган маблағни мақсадли ишлатмаётганлигидир. Ваҳоланки, улар кредит маблағларини олишдан аввал ундан фойдаланиш жараёнини бизнес режада етарли даражада асослашади. Лекин кредит маблағи банк муассасасидан олиб бўлингандан кейин амалий фаолият бизнес-режа бўйича эмас, балки умуман бошқача кечаётгани ҳам афсусланарлидир.

Бу эса банк ходимларидан ҳам, мижозлардан ҳам ўзига хос масъулият ва изланиш талаб этади.

**Анваржон МАНСУРОВ,**
**ҳуқуқшунос**

**Muhokama uchun mavzu**

***Газетанинг шу йил 4 октябр сонида "Муҳокама учун мавзу" рукни остида ҳуқуқшунос Имомназар Ҳайитовнинг "Меҳр-оқибат, лафз-олий фазилат" сарлавҳали мақоласи берилиб, унда муаллиф ҳаётда инсонларни бир-бирлари билан боғлаб турувчи ягона ришта — меҳр-оқибат ҳақидаги ибратли фикрларни баён қилганди. Дарҳақиқат, меҳр-оқибатни бирор-бир нарсага алмаштириб ёки тенглаштириб бўлмайди.***

***Қуйидаги воқеа ҳам ушбу фикримизни яна бир карра тасдиқлайди.***

# КОМИЛЛИК ЙЎЛИ

Фарғона туманининг Мингдон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Янгичек кўчаси, 37-уйда яшовчи Комилжон Муқимов ўтган йилнинг 20 феврал куни вафот этди. Марҳумнинг дафн маросимлари ўтгач, унинг ҳовлиси укаси Азимжон Муқимов ва қўшниси Абдуғани Маҳкамов ўртасида талаш бўла бошлади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, нима учун ушбу ҳовли можароси марҳумнинг оила аъзолари ёки яқин қариндош-уруғлари ўртасида эмас, балки унинг укаси ҳамда етти ёт бегона бўлган қўшниси ўртасида юзага келди?

Ушбу саволга жавоб излашдан олдин К.Муқимовнинг ўтмишига бир назар ташлаш ўринли бўларди. Комилжон 40 ёшида олтиариқлик бир аёл билан турмуш қурди. Негаки, ўша маҳалда Комилжон ака ва унинг қавму-қариндошлари Олтиариқда истиқомат қилишарди. Вақти-соати келиб улар қиз фарзанд кўришди. Аммо қиз гўдаклигидаёқ оламдан ўтди. Фарзанд ота-онани бир-бирлари билан боғлаб турувчи ҳалқа эмасми, бу ҳалқа узилгач, эр-хотин тез орада ажрашиб кетишди. Шундан сўнг Комилжон ака Мингдонга келиб, ўзи ёлғиз яшай бошлади.

Инсоннинг ёши ўтиб, кексайган чоғида ўзгалар парвариши ва ёрдамига эҳтиёж сезиши, яъни қалби янада меҳрга ташна бўлиб қолиши бор ҳақиқат. Айни шу чоғда Абдуғани Маҳкамов кекса қўшнисининг жонига оро кирди. Оила аъзолари билан Комил аканинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турди.

— Қўни-қўшничиликни сизлардан ўрганса арзийди, — дерди баъзан К.Муқимовнинг ҳолидан хабар олиб туриш учун бириктирилган ижтимоий таъминот бўлими ходими Р.Қўшоқова уларга ҳавас қилиб.

2003 йилнинг охирларига келиб Комил ака қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Йилда икки-уч бор келиб, қолган пайт қорасини ҳам кўрсатмайдиган қариндош-уруғлар шундагина маслаҳатлашиб, Азимжонни акасининг ҳовлисига кўчиришди. Бироқ ўзининг ғаму-ташвишлари билан андармон бўлган Азимжон қавму-қариндошлар ўйлаганидек акасига суянч бўлолмади.

Шу йилнинг 6 феврал куни ҳам Комил аканинг аҳволи бироз оғирлашди. Абдуғани дарҳол уни туман марказий шифохонасига олиб борди. Қўшнининг бундай одамийлигидан К.Муқимовнинг кўзларига ёш келди. Шифохонадан қайтаётиб у Абдуғанига буюрди:

— Мени нотариусга олиб бор. Кўзим очиқлигида ҳовли-жойимни сенга васият қилиб қолдирмоқчиман.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

**Mitti maslahat**

# КОРХОНА ИЖАРА ШАРТНОМАСИ

Фуқаролик кодексининг 579-586-моддалари мазмунида корхонани ижарага бериш тартиби ўз аксини топган бўлиб, унга мувофиқ корхонани ижарага бериш шарномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун мулкий комплекс сифатида бутун корхонани ёки бир қисмини ҳақ эвазига бериш мажбуриятини олади, ижарага берувчи бошқа шахсларга ўтказиш мумкин бўлмаган ҳуқуқ мажбуриятлар бундан мустаснодир. Ижара шартномаси бўйича топширилаётган корхоналар эгаликнинг турли шаклларида бўлиши мумкин.

Ижарага берувчи қарзларнинг ижарага олувчига ўтказилгани ҳақида ўз кредиторларини, яъни қарз берувчиларини ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Бундан норози бўлган кредиторлар хабарномани олган кунларидан бошлаб уч ойлик муддат мобайнида ижарага берувчидан тегишли мажбуриятларнинг бекор қилинишини ёки муддатидан аввал ижро этилишини ва бу билан етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишга ҳақлидир. Белгиланган муддат мобайнида санаб ўтилган талаблардан бирининг кўрсатилмаслиги қарз берувчиларнинг тегишли қарзларини ижарага олувчига ўтказилишига рози эканликларидан далолатдир.

Фуқаролик кодексининг 580-моддасида «корхонани ижарага бериш шартномаси тарафлар томонидан ёзма шаклда тузилган бўлиб, нотариал гувоҳлантирилган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши шартдир», деб кўрсатилган.

Корхонани ижарага бериш шартномасини тасдиқлаш чоғида нотариус ижарага берувчи ва ижарага олувчининг ижара шартномасини тузишга ваколати бор ёки йўқлигини текширади ва қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

- эгалик ҳуқуқини белгиловчи ҳужжат (давлат ордери, ҳоким қарори, фармойиши, олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш тўғрисидаги шартномалар, мерос ҳуқуқи гувоҳномасидан бири);
- ижарага берувчи ва ижарага олувчи, агарда юридик шахслар бўлган тақдирда, юридик шахсларнинг тегишли тартибда расмийлаштирилган Низомлари, шунингдек, вакилларнинг ваколатли тасдиқловчи ваколатномалари;

Ижарага берувчининг мол-мулки умумий мол-мулкни ташкил этса, барча эгаларининг розилиги (умумий йиғилиш қарори ёки ҳар бирининг алоҳида розилик аризаси) олиниши лозим.

Ижарага олувчи юридик шахс бўлган тақдирда ижарага олинаётган мол-мулк тўғрисида умумий йиғилиш қарори ёки ҳар бирининг алоҳида розилик аризаси олиниши лозим.

**Матлуба НЕЪМАТОВА**



*Хазонрезги*

**Ajab savdolar**

***Хонасига кириб келган беморни шифокор Эркин Парпиев илиқ кутиб олди ва унинг тишларини обдон кўздан кечириб чиқди.***

***— Тишларингиз соғлом, лекин милкларда шиш бор. Вақтида даволансангиз, фойдадан холи бўлмайди, — дея мижозга маслаҳат бергани кўйи шифокор қўлини ювиш учун ичкари хонага кириб кетди. Мижоз эса сал илгарироқ тайинланган "маслаҳат"га амал қилиб, минг сўм хизмат пулини стол устига ташлаганича хонани тарк этди...***

# СОХТА МИЖОЗ

**ФЕЛЬЕТОН ЎРНИДА**

Шифокор Эркин Парпиев хонага қайтиб кирган пайт мижоз ҳамроҳлигида яна икки нафар киши кириб келишди.

– Биз вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасининг ходимларимиз. Корхонангизда қисқа муддатли текширув ўтказгани келдик. Мана, ҳудудий бошқарманинг 232-АФ-сонли буйруғи, – дея чақирилмаган меҳмонлар ўзларини таништиришди.

Шифокор Э.Парпиевни воқеанинг бундай ривожланиши бир оз тараддудлантириб қўйди. Аслида эса мижоз сифатида тишларини кўриб қўйишни сўраб келган киши Шеробод шаҳарчаси, Р.Ҳамроев номидаги кўчанинг 5-уйида истиқомат қилувчи Холдор Ҳасанов эди. У кейинчалик ўз тушунтириш хатида шундай деб ёзади: «21 декабр куни мен туман ижтимоий таъминот идорасига компенцасия пулларимни олиш учун борган эдим. У ерда туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг раиси Илҳом Мардонов (ушбу ташкилот хизмат хонаси ижтимоий таъминот идораси биносида жойлашган) мени ёнига чорлаб, бир ишда унга ёрдамим кераклигини айтди. Ўзаро суҳбатда у менга туман марказида жойлашган "Фарҳод" стаматология корхонасига бориб, тишларимни кўрсатишим, сўнг минг сўм пулни чек олмай стол устига ташлаб тезда чиқиб кетишим, чўнтагимга текширувчилар томонидан жойлаштирилган диктафон билан шифокор ҳузурига кириб чиқишимни илтимос қилди. Бу таклифга рози бўлганимдан сўнг унинг шериклари билан биргаликда "Тико" машинасига ўтириб, стоматология корхонаси томон йўл олдик...»

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида кўрсатма берган Холдор Ҳасанов текшириш вақтидаги барча кўрсатмаларини тасдиқлаб, ушбу хизмати эвазига текширувчилар 40 минг сўм миқдорида хизмат ҳақи беришни ваъда қилгани тўғрисида гувоҳлик берди.

Ёлланган мижознинг шифокор ҳузуридан кўрсатилган хизмат ҳақини стол устига ташлаб шиддат билан чиқиб кетишининг сабаби шу эди. У қисқа муддатга текширувга келган монополия бошқармаси ходимларининг буюртмасини бажариб, қалбаки текширувга имконият яратади.

Шу йилнинг 4 январ куни вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасининг 01-06/2-2-сонли қарори билан стоматология корхонасига **"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги қонуннинг 10-моддаси талабларини бузгани учун энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида молиявий жарима қўлланилади. Бу қарорни эшитиб корхона бош ҳаками Ҳ.Ҳасанов таажжубга тушади. У ҳудудий бошқарманинг бу хулосаси устидан дарҳол норозилик билдирган бўлса-да, бундан бирор-бир натижа чиқмади.

Аслида сохта текшириш ўтказиш режасини тузиб, Холдор Ҳасановни "ёллаган" текширувчилар бир қатор қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйишган. Хусусан, ҳудудий бошқарма ходимлари Э.Жумаев ва Р.Норматов томонидан 2004 йил 21 декабрда тузилган 000873-сонли далолатномада "ушбу расмий ҳужжат бош ҳакам Ҳ.Ҳасанов огоҳлигида тузилди, лекин у далолатнома билан танишиб, имзо чекишдан бош тортди", деган изоҳ бор. Олий суд Пленумининг 2004 йил 23 июлдаги 116-қарорининг 8-бандида **"Хўжалик судларининг эътибори шунга қаратилсинки, текшириш натижалари юзасидан расмийлаштирилган далолатномага ёки маълумотномага текширилаётган шахснинг имзо қўйишидан ҳамда унинг бир нусхасини олишдан бор тортганлиги ҳақидаги ёзувларнинг шу ҳужжатларга киритиб қўйилиши назорат қилувчи идоралар ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди"**, деб таъкидланган. Бинобарин, текширувчилар тузган далолатномада корхона бошлиғи Ҳ.Ҳасановнинг имзо қўйиш ёки нусха олишдан бош тортгани ҳақида ёзув киритилмаган. Иккинчидан, стоматология корхонаси томонидан вилоят адлия бошқармасига тақдим қилинган ҳужжатлар орасида 000873-сонли қўшимча далолатнома бўлмаган. Иш судга оширилгандан сўнггина бошқарма ходимлари қўшимча далолатнома тузишган.

**(Давоми тўртинчи бетда)**




## АҚШ: БУШНИ СУДГА БЕРИШМОҚЧИ

Ўтган ҳафта шанба куни АҚШ пойтахти Вашингтон шаҳрида "Ислом қавми" ташкилотининг намойиши бўлиб ўтди. Ушбу тадбир ташкилотчилари ўз юришларини бундан роппа-роса ўн йил муқаддам, яъни 1995 йилнинг 16 октябрида айнан Вашингтонда ўтказилган "Миллион эркак марши" митингининг узвий давоми эканини таъкидлашмоқда. Бундан ўн йил муқаддам ҳам Вашингтон кўчаларида миллион нафарга яқин қора танли эркаклар тўпланишган эди. Митинг иштирокчилари асосан қора танлилар оилаларида ахлоқни яхшилаш, қаровчисиз болаларни боқиб олиш ва тарбиялаш, шунингдек, президентлик сайловларида республикачиларнинг номзодларига овоз бермасликни тарғиб қилувчи шиорлар кўтариб чиқишганди.



Уларнинг бу галги чиқишлари эса сал бошқачароқ тус олди. Митинг ташкилотчиларининг сўзларига қараганда, ушбу тадбирда 367 минг нафар одам қатнашган. АҚШ полицияси эса митингда 275 минг нафар одам иштирок этганини эътироф этмоқда.

Шунингдек, бу галги митингда қора танли аёлларга ҳам қатнашиш ҳуқуқи берилган. Машҳур қора танли қўшиқчи аёл Эрике Баду митинг иштирокчилари олдида сўзга ҳам чиққан.

Митингни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳақида эса ташкилот етакчиси Луис Фаррахан шундай дейди:

– Биз Американи қора танлиларга нисбатан қилинган геноцид(оммавий қирғин)да айблаймиз. Чунки бундан бир неча ҳафта аввал Янги Орлеандаги тўғонлар "Катрина" тўфони пайтида атайлаб портлатилган. Бундан кўзланган мақсад ҳам шаҳарнинг қора танли аҳолисини қириб юбориш бўлган. Шунингдек, тўфон қутурган беш кун давомида ҳукумат шаҳарнинг қора танли аҳолисини қутқариш йўлида бирор-бир қарор қабул қилмади. Шаҳарнинг қора танли аҳолиси беш кун давомида кўпқаватли уйларнинг томларида оч-наҳор қолиб кетди. Ҳукумат томонидан қутқарув ишларига жалб қилинган вертолётлар эса уларнинг ёнгиналаридаги томларда жон сақлаган оқ танли аҳолини қутқариш билан банд бўлди...

Шунингдек, ташкилоти етакчиси Луис Фаррахан ўз нутқи якунида бу оммавий қирғин учун АҚШ президенти Жорж Буш ва АҚШ Ички хавфсизлик вазири Майкл Чертофф суд олдида жавоб бериши шарт эканини ҳам таъкидлаб ўтди.

## ИСПАНИЯ: ЁМҒИР БАЛОСИ



Халқимиз "ўт балоси, сув балосидан Яратганнинг ўзи асрасин", деб бежизга айтмаган. Чунки кейинги кунларда тинмасдан қуйиб турган жала Испаниянинг дунёга машҳур шаҳарларидан бири Барселона шаҳри аҳолисини шошириб қўйди. Бугун шаҳар кўчаларида транспорт қатнови тўхтаган. Электр ва алоқа воситалари ишдан чиққан. Шаҳарнинг марказий кўчаларида сувнинг баландлиги бир метргача етиб қолган.

Расмий маълумотларга қараганда, кучли ёмғир ва сув сатҳининг кўтарилиши натижасида 4 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган. Шунингдек, жала оқибатида жароҳат олган ва уй-жойсиз қолганлар ҳам рўйхатга олинмоқда.

Ўн етти автоном вилоятдан ташкил топган Испания давлати мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилишга мажбур бўлди. Чунки мамлакат аҳолиси ёмғир бошлангунга қадар кучли қурғоқчиликни бошидан ўтказган эди. Энди эса кутилмаган жала кўз очиргани қўймаяпти. Ис-



пан синоптиклари тарқатган сўнгги маълумотларга қараганда, ушбу ёмғир яна бир неча кун давом этиши кутилмоқда.

## АРГЕНТИНА: ҚАМОҚХОНАДА ЁНҒИН

"Ассошиэйтед Пресс" ахборот агентлиги тарқатган хабарларга кўра, шу йилнинг 16 октябрида Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳридан 60 километр жануби-шарқда жойлашган "Магдалена" қамоқхонасида ёнғин чиққан. Бунинг оқибатида 17 нафар маҳбус ҳаётдан кўз юмган.

Тезкор суриштирув ишларини олиб бораётган полиция ходимларининг фикрича, ёнғин келиб чиқишига айнан маҳбусларнинг ўзлари сабабчи бўлишган. Тахминларга қараганда, маҳбуслар қамоқхона маъмуриятидан қариндош-уруғлари билан учрашув соатини кўпайтиришни талаб қилишган. Табиийки, маъмурият маҳбусларнинг бу талабини бажармаган. Ўз навбатида талаблари инобатга олинмаган маҳбуслар норозиликларини кўрсатиш мақсадида ўз кўрпа-тўшакларига ўт қўйишган...

## БУЮК БРИТАНИЯ: ПАРРАНДА ГРИППИ ХАВФИ ОШМОҚДА

Ҳозирги пайтда дунёга "Парранда грипп"и номи билан хавф солаётган касалликнинг олди олинмаса, биргина Буюк Британия мамлакати аҳолисининг 50 минг нафари ушбу касалликнинг қурбони бўлиши мумкин экан. Бу ҳақда давлат бош шифокори Лайам Дональдсон баёнот берди. У ўз фикрини мамлакат олимлари томонидан тайёрланган аниқ далиллар билан исботлади.

Олимларнинг эътироф этишича, бу касалликни тарқатувчи микроорганизмлар маълум бир даврда, яъни 10 ёки 40 йил орасида ўз "ҳаёт тарзи"ни ўзгартиради. Биз айнан ана шундай "ўзгариш" даврига дуч келаяпмиз. Ҳали бу янги касалликка қарши етарли дори-дармон воситалари топилмагани билан бирга инсон танасидаги касалликка қарши курашувчи табиий иммунететлар ҳам йўқ. Чунки одамзод танаси ҳали бундай касалликка қарши курашишга тайёр эмас.

– Бу касалликка қарши курашишнинг ягона ва энг мақбул йўли унинг олдини олиш ҳамда дунё мамлакатларига тарқалиб кетмаслигининг чорасини кўришдир, –дейди Британия бош шифокори Лайам Донольдсон.

**Интерьнет материаллари асосида**
**Шерали АВАЗОВ тайёрлади.**

Muhokama uchun mavzu

# КОМИЛЛИК ЙЎЛИ

(Давоми.
Боши учинчи бетда)

Мерос қолдирувчининг хоҳиши билан бу ҳақдаги розилик хати, тилхат ва васиятномани унинг номидан "Гузар" маҳалла фуқаролар йиғини котибаси К.Исмоилова, туман ижтимоий таъминот бўлими ходими Р.Қўшоқова ҳамда Фарғона тумани давлат нотариуси Р.Ваҳобов ёзишди, гувоҳ М.Юсупов ушбу ҳужжатларни ўқиб чиқиб, имзо чекди.

Шу тариқа А.Маҳкамов меросхўрга айланди. Лекин бундан норози бўлган Азимжон фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, расмийлаштирилган васиятномани бекор қилишни сўради.

Суд мажлисида "Гузар" маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Метинов ва гувоҳлар чиндан ҳам Комилжон Муқимовга Абдуғани таянч бўлганини, нотариал идора вакили нотариуси З.Жалолова васиятномани қонуний имзолангани ва расмийлаштирганини баён қилиб, кўрсатма беришди.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлар, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида, васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкинлигини, нотарил тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозимлиги, васиятномани васият қилувчи сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олиш пайтида умумий қабул қилинган техника воситаларидан (ёзув машинкаси, шахсий компьютер ва ҳоказолардан) фойдаланиш мумкинлиги Фуқаролик кодексининг 1124 ва 1125-моддаларида ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, А.Маҳкамовнинг Комил амакининг иссиқ-совуғидан хабар олиб турганини тасдиқловчи маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари томонидан тузилган далолатнома ҳам судга тақдим этилган. Аммо суд А.Муқимовнинг даъвосини қаноатлантириб, А.Маҳкамов номига расмийлаштирилган васиятномани ҳақиқий эмас, деб топди.

Табиийки, суднинг мазкур қарори Абдуғани Маҳкамовнинг хафсаласини пир қилди. Шу боис у биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судига кассация шикояти берди.

— Васиятнома ёзилган кунларда акамнинг эс-ҳуши жойида эмасди, — дейди кассация инстанциясининг судида Азимжон Муқимов. — Абдуғани эса бундан фойдаланиб қолган.

Туман марказий шифохонаси шифокори К.Парпиев А.Муқимовнинг сўзларини инкор қилиб, ўша куни акаси муомалага лаёқатли, ўз ҳаракатларига жавоб бера оладиган ҳолатда бўлганини тасдиқлади. Қолаверса, Фуқаролик кодексининг 1120-моддасига кўра, фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларига васият қилиши мумкин ва у қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечтасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Лекин биринчи босқич суди қонуннинг ана шу талабларига эътибор қаратмаган. Ушбу асосларга таянган кассация инстанция суди биринчи босқич суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, Азимжон Муқимовни ўзи рўйхатда турадиган уйга кўчириш юзасидан ажрим чиқарди.

Шу тариқа ҳовли-жой низоси барҳам топди. Аммо мазкур фуқаролик иши тафсилотлари билан танишиш асносида бир талай саволлар, фикр-мулоҳазалар ҳам туғилади: ҳар иккила суд мажлисида А.Муқимов акасига ўзи қараб, дафн маросимларини ҳам ўтказганини қайта-қайта такрорлаган. Борди-ю, у жигарига шу қадар меҳрибон экан, нега узоқ йиллар давомида унинг ҳолидан хабар олмади, ёлғизлатиб қўйди?! Нима учун акасини қачонки аҳволи оғирлашиб, боши ёстиққа текканда, яъни ўлимидан атиги уч-тўрт ой олдин эслаб қолди? Ахир, марҳум К.Муқимов қарийб 40 йил давомида ёлғиз яшаганди-ку?!

Абдуғани Маҳкамовнинг қўшнисига кўрсатган одамийлиги ҳақида билган, эшитган ҳар қандай кишининг хаёлига беихтиёр доно халқимизнинг "меҳр билмас қариндошдан меҳр билган ёт яхши", деган ажойиб мақоли келиши шубҳасиз.

Биз тилга олган низо умуман қариндошлиги бўлмаган кишилар ўртасида юзага келди. Лекин бугунги кунда меҳр-оқибат аталмиш олий фазилатни буткул унутиб, арзимас мол-мулк устида жиққамушт бўлаётган туғишганлар ҳам орамизда учраётгани ташвишланарли ҳолдир. Бундай оилалар вакилларига А.Маҳкамовнинг тутган йўли ибрат бўлса, ажаб эмас. Зеро, инсоннинг тубанликдан асраб, комилликка элтувчи ягона йўл — меҳр-оқибатдир.

**Адҳамжон МИРЗАЛИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Taqdirdagi tadbirlar

***Бир қараганда, кишига ҳаёт жуда содда ва жўн яралган, бу қадим дунёда ҳеч қандай сир-синоат йўқдек туюлади.***

***Аслида-чи?!***

***Агар кишилик тарихига назар ташласак, бунинг аксини кўрамиз. Чунки турли даврларда шундай сирли ва ғайритабиий воқеалар рўй берганки, уларнинг моҳиятини англашга нафақат ўз вақтида, балки ҳозир ҳам инсоннинг тафаккури ожизлик қилади. Бундай воқеаларнинг гувоҳи бўлганда, киши беихтиёр бизни ўраб турган дунё, бу қадим ҳаёт ва ниҳоят, одам боласининг яралиши ҳамда умргузаронлик қилиши моҳият-эътибори билан ўта сирли мўъжиза эканига беихтиёр иймон келтиради.***

# ТАРИХ ЖУМБОҒИ

Бундай сирли воқеалар ҳақида гап кетганда, одатда, Сицилиянинг Таконе шаҳарчасида яшаган ҳунарманд Альберто Гордоннинг номи тилга олинади.

Манбаларда қайд этилишича, XVIII асрда Сицилиядаги Таконе шаҳарчасида яшаган Альберто Гордони ўз касбининг моҳир устаси бўлгани учун каттагина обрў-эътиборга эга эди. Кунлардан бир кун унинг ҳаётида шундай воқеа рўй бердики, у охир-оқибат ўта сирли ҳодиса сифатида тарихда муҳрланиб қолди.

Қисқаси, 1753 йилнинг 5 майида Таконе шаҳарчасидаги қалъа ҳовлисида граф Зонеттини хотинлари ва бошқа мулозимлар билан бирга кетиб бораётиб, Альберто Гордони тўсатдан йўқолиб қолади. Бошқача айтганда, турган жойида худди ҳавога сингиб кетгандек, бирдан кўздан ғойиб бўлади. Табиийки, буни кўриб, қўрқув ва ҳайратга тушган графнинг хотинлари апил-тапил уни қидиришга тушишади. Улар азбаройи ваҳимага тушишганидан қалъа ҳовлисини ҳам қазиб ташлашади. Бироқ ҳеч қаердан ҳунарманднинг дараги чиқмайди. У аллақаёққа изсиз ғойиб бўлган эди.

Бу сирли ҳодиса, табиийки, ўша пайтда жуда катта шов-шувга сабаб бўлган. Одамлар ҳунарманднинг изсиз ғойиб бўлгани тўғрисида турли-туман тахминларни билдиришган. Кимдир уни сеҳргарга йўйган, бошқа биров эса бу атай тўқилган уйдирма деган. Лекин аслида қандай воқеа юз бергани сирлигича қолиб кетган.

Эҳтимол, одамлар йиллар ўтиши билан ҳунарманд ва унинг сирли ғойиб бўлиши билан боғлиқ воқеани ҳам аста-секин унутиб юборишарди. Аммо ўшанда кутилмаганда рўй берган бошқа бир ҳодиса одамларни баттар шошириб қўйган.

Гап шундаки, орадан оз эмас, кўп эмас — роппа-роса 22 йил ўтгач, ҳунарманд Альберто Гордони айнан ғойиб бўлган жойи — қалъа ҳовлисида кутилмаганда яна пайдо бўлади.

Ўтган 22 йил ичида шаҳарчада ҳаёт анча ўзгарган, ҳунармандни таниган кишиларнинг аксарияти дунёдан ўтган, бунинг устига уни сирли ғойиб бўлгани тўғрисидаги гап-сўзлар аста-секин унут бўлаётган эди.

Аммо кишини ҳайратга соладиган томони шундаки, ўтган 22 йил ичида Альберто Гордони зиғирча бўлса-да, ўзгармаган, унинг қиёфаси, кийимбоши ва ҳатто оёғидаги пайафзали ғойиб бўлиш арафасида қандай бўлса, шундай сақланиб қолган эди.

Буни кўриб, уни таниган одамлар баттар ҳайратга тушишади. Ҳунарманднинг ўзи ҳам орадан 22 йил ўтганига мутлақо ишонмайди. "Орадан бор-йўғи бир неча дақиқа ўтди, холос", деб гапида туриб олади у. Ҳунарманд одамларнинг "шунча вақт қаерда юргандинг?", деган саволига ҳам тузук-қуруқ жавоб беролмайди.

Шундан сўнг одамлар уни ақли озганга йўйиб жиннихонага жойлаштириб қўйишди. Фақат орадан етти йил ўтгач, у билан биринчи марта шаҳарчадаги руҳоний ота Марио суҳбатлашади. Ҳунарманд унга ўзини ғойиб бўлиши билан боғлиқ воқеа тафсилотларини батафсил гапириб беради. Унинг айтишига қараганда, ўша кун қалъа ҳовлисида кетаётган чоғ кутилмаганда оёғи остида қувур сингари туйнук пайдо бўлган ва у беихтиёр унинг ичига тушиб кетган. "Қувур ичида шамолдан ҳам тез учиб борардим, — дея хотирлайди ҳунарманд. — Шу тарзда қанча вақт ўтганини билмайман. Азбаройи қўрққанимдан нафасим бўғзимга тиқилиб қолди, кўзларимни юмиб олдим. Бир маҳал оёғим ерга теккандек бўлди. Секин кўзларимни очсам, қандайдир ёп-ёруғ жойда турган экан. Атрофда бирон-бир тирик зоғ ёки нарсанинг қораси кўринмайди. Ҳаммаёқ бўм-бўш..."

Қисқаси, ҳунарманд ана шу бўшлиқ ичида қандайдир сочлари узун бир маҳлуққа тўқнаш келган. Маҳлуқ унга "Сен Вақт ва Макон ўртасидаги туйнукка тушиб қолдинг. Энди бу ерда абадий қоласан, ортингга қайтишинг мушкул", деган. Бироқ ҳунарманд ялиниб-ёлворгач, уни ортига қайтаришган.

Тўғриси, ҳунарманд Альберто Гордоннинг бошидан кечирганлари кишида худди эртак ёки афсонада рўй бергандек таассурот уйғотади. Шу боис ҳам ўша пайтда унинг сўзларига нафақат ҳеч ким ишонмаган, балки уни эси оғиб қолган телбага чиқаришиб, шифохонага жойлаштиришган.

Аммо руҳоний ота Марионинг ҳунарманд билан суҳбатидан сўнг шифокорлар ҳам унга аллақандай қизиқиш билан қарашади. Кейин улар ҳунарманддан қалъа ҳовлисидаги сирли жойни кўрсатишни сўрашади. Шундан сўнг ҳунарманд руҳоний ва шифокорлар қуршовида қалъа томон йўл олишади. Буни қарангки, шўрлик Альберто 22 йил муқаддам оёғидан тортиб кетган жойга қайта қадам босиши билан яна сирли тарзда кўздан ғойиб бўлади.

Бу ҳодиса рўй берганига кўп асрлар бўлди. Бироқ ҳунарманд қайта кўриниш бермади.

Ҳа, дарвоқе, ўшанда ҳунарманд сирли тарзда ғойиб бўлгач, руҳоний ота Марио бу жойни «шайтон тузоғи», деб атайди ва унинг атрофини тош девор билан ўраб ташлашни буюради.

Бу жой Сицилияда ҳозир ҳам бор.

Иккинчи бир мисол. Тибетнинг Тургуилла водийсида 1922 йил ва орадан ярим аср ўтгач, яъни 1972 йилнинг сентябрида рўй берган ажабтовур воқеалар ҳам кишиларни ҳайратга солади. Маҳаллий аҳолининг айтишига қараганда, водийда ҳар ярим асрда жуда ғайритабиий воқеалар рўй бериб тураркан. Айниқса, шаффоф каби тиниқ Алет кўли бўйида тунлари аллақаердан аёлбошли бўрилар пайдо бўлиб, изғиб юраркан. Бироқ биз айни дам бу ҳақда тўхталиб ўтирмаймиз. Балки ундан ҳам қизиқроқ бир воқеа — кўл бўйида геолог Пауль Летланнинг сирли тарзда қандай йўқолгани хусусида ҳикоя қиламиз.

Қисқаси, 1972 йилнинг сентябр ойида геолог Пауль Летлан ёлғиз ўзи кўл бўйида адашиб юраркан, кутилмаганда, аллақаёққа изсиз ғойиб бўлади. Шундан сўнг ҳамроҳлари уни кўл бўйидан узоқ қидиришади. Аммо ҳеч қаерда унинг қораси кўринмайди. Бу воқеа ҳам ўша пайтда жуда катта шов-шувга сабаб бўлади. Геолог Пауль Летланни излаб топиш учун махсус гуруҳ ҳам тузилади. Бироқ бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси бесамар кетади.

Орадан икки ой ўтгач, собиқ геолог бутунлай бошқа жой — Гузе-Нейж деган курортли масканда пайдо бўлади. Аслида унинг ўзи қай тарзда йўқолиб қолгани ва бу масканга қандай қилиб келиб қолганини билмасди. Фақат у полиция ходимларига узоқ йиллар қандайдир ибодатхонада роҳиб сифатида хизмат қилгани ва худодан ўзини аёлбошли бўрилардан халос этишини сўраганини, охир-оқибат нияти ижобат бўлиб, бу ерга қайтганини айтади.

Бунинг устига, у полиция ходимларига ҳадеб 33 ёшдаман, деб таъкидлайди. Бироқ унинг бу гапига ҳеч ким ишонмайди, чунки у жуда кекса — етмишни уриб қўйган чолдан сира фарқ қилмасди.

Табиийки, унинг бошидан кечирганларини полиция ходимлари истеҳзо билан эшитишади ва охир-оқибат уни ҳам жиннихонага жўнатишди.

Бошқа бир воқеа — шотландиялик учувчи Виктор Гуддард бошидан кечирган ғаройиб ҳодисалар ҳам киши эътиборини тортади.

1934 йил Виктор Гуддард осмонда самолётни бошқариб бораётиб, кучли бўрон қуршовида қолади. У кучли шамол ва қоп-қора булутлар орасида мувозанатини йўқотаётган бир пайтда кутилмаганда мўъжиза рўй беради. Яъни унинг шундай кўз ўнгида қуёш нури ёғилиб турган бир парча ер кўринади. Ва унда сариқ рангдаги самолётлар турган аэродром пайдо бўлади. Виктор Гуддарднинг шунга ишончи комил эдики, Шотландия ҳудудида бундай ажабтовур аэродром ва сариқ тусдаги самолётлар умуман йўқ эди.

Хўш, унда Викторга бу аэродром қаердан кўриниш берди? Бу рўёми ёки туш?

Аслини айтганда, бўрон қуршовида қолган ўша қалтис вазиятда Викторнинг бу ҳақда ўйлаб ўтиришга вақти йўқ эди. Бунинг ўрнига у жонини омон сақлаш учун самолётни ўша кўриниш берган аэродромга қўндиришга ҳаракат қилади. Бироқ кутилмаганда яна кўз олдини бир уюм қоп-қора булут тўсиб, аэродром ғойиб бўлади.

Аммо орадан тўрт йил ўтгач, Виктор Гуддард самода кўзига кўринган ўша аэродромга самолётни қўндиришга муваффақ бўлади. Чунки ўтган тўрт йил ичида Шотландияда айнан шундай аэродром барпо этилган ва самолётлар сариқ рангга бўялган эди...

1976 йил рус учувчиси Виктор Орлов эса бундан ҳам ғаройиб воқеани бошидан кечирган. Яъни у осмонда "МИГ-25" русумли самолётни бошқариб бораркан, шундай самолёт қаноти остида X1X асрга тегишли тўп ва бошқа қурол-аслаҳалар билан қуролланган аскарлар жанг олиб бораётганини кўради...

1988 йилда эса НАТОнинг учувчиси самолётда ҳавога кўтарилиб, Европанинг шимоли томон йўл оларкан, кутилмаганда ибтидоий Африка устида пайдо бўлади ва қутуриб юрган динозаврлар тўдасига кўзи тушади...

Манбаларда қайд этилишича, 1994 йил бошқа бир рус учувчиси Александр Устинов топшириқни бажараётиб, туйқус қадимги Мисрнинг устида пайдо бўлиб қолади ва биттаси қад ростлаган, бошқаларининг энди пойдевори қуйилаётган пирамидаларни кўради...

Америкалик учувчи Р.Уитмен эса Флорида штати устидан учиб ўтаётиб, ғалати манзарага тўқнаш келади. Яъни унга ўрта асрдаги Европа аниқ кўриниш беради. "Мен улкан гулханни ва унинг атрофида куйиб ётган одамларнинг жасадини кўрдим", - дейди учувчи.

Юқорида баён этилган ҳодисалар кишига эртак ёки афсонада рўй бергандек таассурот уйғотади. Бироқ уларнинг бари ҳаётда юз берган. Бу ҳақда ўйлаганда, ҳар биримизга бу ҳаёт сирли яралгандек туюлади.

**«Интернет» материаллари**
**асосида Бобомурод РАЙИМОВ**
**тайёрлади.**

Ajab savdolar

# СОХТА МИЖОЗ

(Давоми.
Боши учинчи бетда)

Қонун талабларига биноан текшириш натижалари юзасидан тузилган далолатнома ёки маълумотлар текширув ўтказилган жойда расмийлаштирилмаса ҳамда унинг нусхаси тегишли мансабдор шахсга қолдирилмаган тақдирда назорат қилувчи идоралар қабул қилган ҳужжатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузган деб баҳоланади ҳамда бундай ҳужжатларни ҳақиқий эмас, деб топишга асос бўлади. Бинобарин, стоматология корхонаси бошлиғи судда берган кўрсатмасида далолатномани бошқарма кенгашига келган куни олганини баён қилган.

Бундан ташқари, Холдор Ҳасанов ҳам ўз тушунтириш хатида бошқарма ходимлари томонидан ёлланганини тан олган.

Аммо шу йилнинг 22 март куни вилоят хўжалик судининг судьяси А.Ҳайдаров раислигида бўлиб ўтган суд маҳкамасида иш бирёқлама кўрилиб, даъвогарларнинг важлари, мижознинг судда берган кўрсатмаси негадир эътиборга олинмади ва даъвогарнинг даъвоси рад этилди. Бундан норози бўлган вилоят адлия бошқармаси хўжалик судига апелляция шикоятини киритди. Вилоят хўжалик судининг 2005 йил 24 июндаги апелляция тартибидаги қарорига асосан адлия бошқармасининг апелляция шикояти ва Сурхондарё вилояти прокуратурасининг апелляция протести суд томонидан қаноатлантирилиб, вилоят хўжалик судининг 19-0504-790-сонли хўжалик иши бўйича 2005 йил 22 мартда қабул қилган ҳал қилув қарори бекор қилинди. Шунингдек, вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасининг "Фарҳод" стоматология корхонасига нисбатан 653 минг сўмлик молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги 01-06/2-2-сонли қарори ҳақиқий эмас, деб топилди. Буни қарангки, ҳудудий бошқарма ходимлари Олий хўжалик судига кассация тартибида шикоят йўллашди. Шу йил сентябр ойида Республика Олий хўжалик суди шикоятни кўриб чиқиб, вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирди.

Шу ўринда бир қатор ҳақли саволлар туғилади: Хўш, бундан кимга фойда-ю, кимга зарар? Ноқонуний текширув ўтказган монополия бошқармаси ходимлари Э.Жумаев ва Р.Норматов нега жазоланмади? Қолаверса, қанча одамнинг оворагарчилиги оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини ким ва нима билан қоплайди?

**Баҳриддин ҒАФФОРОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



Сунбула

***Эндигина 19 ёшни қаршилаётган Дилафрўз Абдураззоқова, гарчи судланувчи сифатида айбдор ҳисобланса-да, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини ёлғон кўрсатмалар билан чалғитиб, жазодан қутулиб қоламан, деган хомхаёлда панжара ортида сўроқ бераётган ҳамтовоқларидан узоқроққа ўтиришни лозим топганди. Аммо у чучварани хом санаганди. Чунки қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади.***

# НАФС БАНДАЛАРИ



СУД ОЧЕРКИ

### I.ПУЛ ШИРИНМИ, ФАРЗАНД?

Умрида бирор жойда ёлчитиб ишламаган Орзумурод Набиев қинғир йўллар билан қўлига тушиб қолган тилла тақинчоқларни яхшиликка эмас, балки гиёҳвандлик воситаларини сотиб олиш учун сарфлашга қарор қилди. У "Қўйлиқ" деҳқон бозори яқинида эски таниши Умаржонни учратиб қолиб, кўнглидаги режасини ошкор қилди. Бу таклиф Умаржонга ҳам мойдек ёқиб тушди.

Умаржоннинг "Қўйлиқ" бозорида олибсотарлик билан шуғулланувчи ҳамтовоғи Тоживой тилла тақинчоқлар эвазига "героин" гиёҳвандлик моддасини топиб беришни зиммасига олди. Бу орада Орзумурод "ишончли одам" деб, жияни Обидни ҳам жиноий тўдага қўшиб олди.

Хотинининг чизган чизиғидан чиқолмайдиган Умаржон бор гапни ўша куниёқ Ноилага етказди. Ноила эса "ўғрини қароқчи урди" қабилида иш тутиб, кўнглидаги қабиҳ режани эридан ҳам сир тутди.

Жиноий тўда Янгийўл туманидаги пастқам кўчалардан биридаги хонадонга йиғилгач, "операция"га раҳбарликни ўз қўлига олган Ноила қорадорини олиб келиш учун Қўқонга тоға-жиянлар билан қизим Дилафрўз ҳам боради, дея шарт қўйди.

Бу таклиф Орзумурод билан Обидни ҳангу-манг қилиб қўйган бўлса-да, улар бу қалтис ишнинг битишини ўйлаб индамай қўя қолишди.

Нафс васвасасига учган Ноилани ҳозир фарзандининг ҳаёти ҳам, тақдири ҳам қизиқтирмасди. Унинг бутун фикр-зикри жарақ-жарақ пулларда эди. Йўқса, у эндигина 18 ёшга кирган навниҳол қизини етти ёт эркаклар билан бегона шаҳарга юборармиди?!

Шу тариқа коллежнинг 3-курсида таҳсил олаётган Дилафрўз ўқув машғулотларини ташлаб, мутлақо бошқа "машғулот" билан шуғулланиш учун қишнинг изғиринига қарамай, жиноий шериклари билан Қўқонга йўл олди...

Узоқ тортишувдан кейин Олтиной исмли аёл нархи 5.000 АҚШ долларига баҳоланган 1 килограмм «героин» гиёҳвандлик моддаси учун тилла тақинчоқларни 1.000 АҚШ долларига баҳолаб, гаров тариқасида олиб қолишга рози бўлди. Қолган тўрт минг долларни товар сотилгач, олишга келишилди.

Қорадорини белига боғлаб олган Дилафрўз "ҳомиладор она" қиёфасида уйига омон-эсон етиб келди.

### II.ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРДИ

"Операция"нинг биринчи босқичи хамирдан қил суғургандай ими-жимида битганидан хурсанд бўлган тўдабоши Ноила 2005 йил кириши арафасида хуфя мижозлардан бирига 10 грамм гиёҳвандлик моддасини 70.000 сўмга, яна бирига 6 грамм қорадорини 5.600 сўмга пуллаб, гумашталарига базму жамшид қилиб берди.

2005 йилнинг 9 январ куни эса Ноила қизидан ташқари жиноий тўданинг барча аъзоларини тўплаб, шошилинч Қўқонга жўнаб кетди.

— Менга ўша Олтинойни топиб берсаларинг бўлди, — деди манзилга етиб келгач ҳамтовоқларига Ноила. — Бу ёғини менга қўйиб бераверларинг... Бу мегажин ҳали совунимга кир ювмапти — дунёга келмапти...

Дарҳақиқат, "сифати паст "героин" гиёҳвандлик моддасини бериб, бизларни алдадинг", деб Олтинойнинг юзига чанг солган Ноила фақат гаровга қўйилган тилла тақинчоқларни қайтариб олиш билан чекланмади. У қўрқиб қолган Олтинойга "сенинг сохтакорлигинг эвазига 2.000 АҚШ долларига чиқимдор бўлдик. Шу пулни топиб берганингдан кейин 1 килограмм "матоҳинг"ни қайтариб берамиз", деб шарт қўйди.

Энди текинга тушган гиёҳвандлик воситасини сотиб, пулини бўлиш керак эди. Аммо арқонни узун ташлаган Ноила бошдаёқ пулни бошқалар билан бўлишишни ўз режасига киритмаганди. У энди ҳамтовоқларини "чув" тушириш учун қизи Дилафрўзга уйда сақланаётган қорадорини яшириб қўйишни тайинлади. Лекин ўлжанинг йўқолганини эшитган Орзумурод бутун маҳаллани бошига кўтаргудай жанжал кўтаргач, сир очилишидан қўрққан Дилафрўз қорадорининг бир қисмини унга қайтариб берди. Қолган 222 грамм "заҳри қотил"ни эса онасига топширди.

### III.ИЛЛАТИ БОРНИНГ ОЁҒИ ҚАЛТИРАЙДИ...

Аслида сувтекинга тушган қорадорини Тошкент шаҳрида пуллаймиз деб ҳамтовоқларини "чув" туширганидан беҳад хурсанд тоға-жиянлар "Дамас" автомашинасига ўтириб, Янгийўлни тарк этишганда, ўзларини

Jinoyat va jazo

ҳали олдинда нималар кутаётганини асло билишмасди.

Сирғали тумани ҳудудида йўл патрул хизмати ходимлари пойтахтга кириб келаётган йўловчи "Дамас"ни одатдагидай тўхтатиб, ҳайдовчининг ҳужжатларини текшираётганда негадир икки нафар йўловчи безовталанаётганини сезиб қолишди. Шубҳали кўринган бу кимсалар ДАН масканига олиб кирилгач, жиноятчилар қаршилик кўрсатиш бефойда эканини англаб етишди. Орзумуроднинг эгнидаги курткасига яширилган сувқоғозга ўралган 678,46 грамм "героин" гиёҳвандлик воситаси суд-кимё экспертизаси томонидан текширилганда унинг таркибида гиёҳванд модда — деацетилморфин, яъни "героин" мавжудлиги аниқланди.

Она-бола Ноила ва Дилафўз томонидан олиб қолинган 222 грамм миқдордаги "героин" гиёҳвандлик моддаси эса тинтув пайтида Н.Нуриддинованинг уйидан топилди.

Шу йилнинг 7 июн куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ушбу жиноий ишни суд мажлисида кўриб чиқиб, жиноятчилар устидан ҳукм чиқарди. Шу тариқа нафс васвасасига учган кимсалар қилмишларига яраша жазо олишди. Лекин улар орасида ҳали келинлик либосини киймаган Дилафрўз Абдураззоқованинг борлиги кишини оғир ўйга чўмдиради. Ўз умрини хазон этгани етмагандек, навниҳол қизини бахтиқаро қилган Ноиланинг хатти-ҳаракатини қандай баҳолаш мумкин?!

**Рустам ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5